



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ КОНГРЕССИ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни конгрессмен Трент Келли бошчилигидаги АҚШ Конгресси делегациясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари таркибида АҚШ Вакиллар палатаси аъзолари Висенте Гонсалес, Рональд Эстес, Рожер Маршалл ва Женнифер Гонсалес Колон ҳам бўлган делегацияни самимий қутлар экан, конгрессменларни АҚШ парламентидаги оралик сайловнинг муваффақиятли ўтгани билан табриклади.

Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил май ойида Вашингтонда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклиkning янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.

Турли йўналишлар бўйича икки томонлама алоқалар фаоллашди, конструктив сиёсий мулоқот йўлга қўйилди, парламентлараро алмашувлар, шунингдек, маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

Савдо-иқтисодий соҳада биргаликдаги сайёҳаракатлар билан ўзаро савдо ҳажмини

ошириш, Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилишга етакчи АҚШ компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари ва технологияларини жалб этиш борасида аниқ манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йил бошидан буён ўтган даврнинг ўзига ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизда АҚШ капитали иштирокида 25 дан зиёд янги корхона ташкил этилди.

Октябрь ойида мамлакатимизда АҚШ савдо вазири Уилбур Росс бошчилигидаги нуфузли делегация иштирокида биринчи марта Америка бизнеси ҳафталигининг ишбилармонлик тадбирлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Вакиллар палатасида конгрессменлар Т.Келли ва В.Гонсалес раҳбарлигида «Ўзбекистон бўйича кокус» ташкил этилганини мамнуният билан қайд этди.

Ушбу механизм ҳар томонлама муносабатларни кенгайтириш ва аниқ иқтисодий лойиҳаларни

илгари суришда самарали омил бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик учун қўлай шароитлар яратиш ҳамда бу борадаги қўшма лойиҳаларни, аввало, ҳудудлараро даражада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Конгрессменлар давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган ҳамда барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган ислохот ва янгиланишларга юксак баҳо берди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтиришга фаол қўмаклашишга тайёрлик таъкидланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

19 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланиб, изчил мустақамлашиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этдилар.

Барча даража ва йўналишлардаги алоқалар фаоллашуви кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида, хусусан, ҳудудлар ва ишбилармон доиралар ўртасида кооперация кенгайиб бормоқда. Жорий йил 15 ноябрь куни Чимкент шаҳрида икки мамлакат чегараолди ҳудудлари ва етакчи компаниялари раҳбарлари иштирокида биринчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми муваффақиятли ўтказилди.

Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашув дастури сермазмун бўлгани қайд этилди. Йил бошидан буён жами 50 дан ортиқ қўшма тадбир ўтказилгани бунинг тасдиғидир.

ЎЗА

МУНОСАБАТ



МЎЙНОҚДА ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАНДИ

1960 йилгача Орол денгизи ҳеч бир сув манбалари билан боғланмаган дунёдаги энг катта сув ҳавзаларидан бири эди. Унинг узунлиги 426, эни 284 километр, энг чуқур жойи эса 68 метрни ташкил этган. Денгиз сатҳи 68,9 минг квадрат километр, сув миқдори 1083 куб километрдан иборат бўлган. Денгиздан йилга 60 минг тонна балиқ овланган. Буларнинг барчаси тарихда қолди...

Мўйноқ — мамлакатимизнинг энг шимол-ғарбда жойлашган туман. Аҳоли сони 31 мингдан зиёд. Худуднинг мураккаб шароити, Орол денгизи билан боғлиқ минтақада юзага келган экологик офат кечиктириб бўлмайдиган амалий ишларни талаб этмоқда.

Кейинги йилларда бу ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

➤ Давоми 4-бетда.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МУҲОКАМАСИ

ҚУВОНТИРАДИГАН ЯНГИЛИКЛАР, ЎЙЛАНТИРАДИГАН РАҚАМЛАР...

2018 йил 17 ноябрь кунини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Давлат бюджетини муҳокама қилиш билан таъминлаш мақсади билан бўлиб ўтди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджетини, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари Бош вазир ўринбосари — молия вазирини Ж.Қўчқоров маърузаси асосида кўриб чиқилди.

Ҳукумат 2019 йилги Бюджетномани 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, Бюджет кодексига мувофиқ ишлаб чиқиб, парламентга киритган.

➤ Давоми 3-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ОСИЁ ФОРУМИНИ ЎТКАЗИШДАН МАҚСАД НИМА?



Шу билан бирга, мактабга малакали хорижлик ҳамда маҳаллий педагоглар жалб этиладилар ва уларнинг фаолиятига керакли шарт-шароитлар яратилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мен хорижлик мутахассислар ва хорижда ишлаётган юртдошларимизни ушбу лойиҳада иштирок этишга ва Ўзбекистон таълим тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшишга чақираман. Мутахассислардан ўз резюмеларини ва таклифларини expert@xtv.uz электрон почтасига юборишларини сўрайман.

Манба: Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИНING ПОЗИЦИЯСИ



ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ҲУДУДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда эълон қилди.

— Президент мактабларининг асосий мақсади мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг ривожланишига керакли шароитлар яратишдир. Мазкур мактаб битирувчилари келажакда мамлакатимиз ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Президент мактаблари STEAM (Science (фан), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) ва Mathematics (математика)) фанларини ўқитишга ихтисослашган бўлади.

Президент мактабларида ўқувчиларни танлаш ва таълим сифатини таъминлаш учун уларни хорижлик

мутахассислар бошқарадилар. Шу билан бирга, мактабга малакали хорижлик ҳамда маҳаллий педагоглар жалб этиладилар ва уларнинг фаолиятига керакли шарт-шароитлар яратилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мен хорижлик мутахассислар ва хорижда ишлаётган юртдошларимизни ушбу лойиҳада иштирок этишга ва Ўзбекистон таълим тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшишга чақираман. Мутахассислардан ўз резюмеларини ва таклифларини expert@xtv.uz электрон почтасига юборишларини сўрайман.

Манба: Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати.



Шерзод ШЕРМАТОВ,
Халқ таълими вазирини:

ЎЗА мухбири
М.ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.

АҚШ КОНГРЕССМЕНЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАҚИДА

Трент КЕЛЛИ, конгрессмен:

— Мамлакатимизга таширфимизнинг асосий мақсади Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама манфаатли алоқаларни чуқурлаштириш ва янада ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, таъкидлаш керакки, ушбу таширфимиз мамлакатларимиз амалий мулоқотининг мантисий давоми ҳисобланади.

Бугун АҚШ Конгрессида Ўзбекистон бўйича алоҳида парламент гуруҳи — «кокус» ташкил этилди ва у жуда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу гуруҳ америкаликларнинг Ўзбекистон ва ўзбек халқи ҳақида тўлақонли маълумотга эга бўлиши, парламентларимиз ва турли соҳалар ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлашга қаратилган бўлиб, мақсадимиз бу жараёнга қўмаклашишдир.

Висенте ГОНСАЛЕС, АҚШ Вакиллар палатаси аъзоси:

— Мамлакатларимиз ўртасида муштарак жиҳатлар кўп. АҚШ ҳам, Ўзбекистон ҳам ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлайди.

Мен АҚШнинг Техас штатиданман. Фаолиятим нефть-газ соҳасига оид. «Кокус» ушбу тармоқлар, шунингдек, энергетика, соғлиқни сақлаш, муҳофаза, савдо соҳаларида ҳам ҳамкорлик олиб боради.

Американинг таълим муносабатларида Ўзбекистон Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкор сифатида муҳим ўрин тутаяди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги тенг манфаатли алоқаларни ривожлантиришда фаол ташаббусларни илгари сураётган. Биргаликда муносабатларимизни узок йиллар давом эттиришдан биз ҳам манфаатдоримиз.

Женнифер ГОНСАЛЕС КОЛОН, конгрессмен: — Бугун Америка — Ўзбекистон муносабатлари юқори босқичга чиқди. Президентингиз билан учрашув, шунингдек, мамлакатингиз парламенти ва қатор ташкилотлардаги музокараларимиз ўзаро ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаат кўзлаётганини намоён этди.

Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, барча соҳадаги модернизация жараёнлари юртингизнинг нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам ривожланган давлатлар қаторига кириши учун замин яратётганига амин бўлди. Янги тузилма таълим, ҳавфсизлик, ахборот технологиялари, бизнес каби кўплаб соҳаларда қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш, ҳамкорликни истиқболли йўналишлар билан бойитишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 20 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қиймати белгиланади.

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийатини олмаган.

1 АҚШ
доллари
8277,53

1 Англия фунт
стерлинги
10625,87

1 Жанубий
Корея вони
7,39

1 Канада
доллари
6298,05

1 Швейцария
франки
8280,01

1 Миср фунти
163,47

1 ЕВРО
9451,28

1 Россия
рубл
125,56

1 Япония
иенаси
73,37


1 Хитой
юани
1193,30

1 БАА дирҳами
2253,74

1 Австралия
доллари
6067,74

МЎЙНОҚДА ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАНДИ

Мўйноқ тумани — Қорақалпоғистон Республикасининг шимолида жойлашган бўлиб, 1931 йил 30 июлда ташкил этилган. Амударё дельтаси, Орол денгизининг жанубидаги ҳудудларни эгаллайди. Майдони 37,94 минг квадрат километр. Ҳозирги кунда Мўйноқ туманининг аҳолиси 31 мингдан ортиқ кишидан иборат ва кўп миллатли: қорақалпоқ, ўзбек, қозок, рус, украин, татар, корейс ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Мўйноқ тумани аҳолиси асосан балиқчилик, ҳунармандчилик, амалий санъат билан шугулланади.



ЯНГИ УЙЛАР, ЯНГИ ЙЎЛЛАР



ОРОЛ 1970 ЙИЛЛАРДА



ОРОЛ БУГҮН



ФЛАМИНГО ҚУШЛАРИ ОРОЛГА ҚАЙТДИ

Сўнгги икки йил Мўйноқ тумани учун қайта туғилиш йиллари бўлди. Давлатимиз раҳбарининг «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини 2017-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилаб сугориш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш ташкил этилди. Шунингдек, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича бор имкониятлар ишга солинди. 2017-2018 йилларда жами қиймати 52,3 миллиард сўм ва 990 минг долларлик чет эл инвестицияси ҳисобидан 72 лойиҳа амалга оширилиши ҳамда 1343 янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган эди. Шу кунга қадар 26 миллиард 244 миллион сўмлик 56 лойиҳа ишга туширилиб, 745 иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг жорий йил 15 ноябрдаги тарихий ташрифи, тумани ҳар томонлама ривожлантиришга қаратаётган эътибори мўйноқликларга катта қувонч бағишлади.

Мўйноқ бир вақтлар ўзининг балиқлари билан донг таратган эди. Катта консерва комбинатида ишлаб чиқарилган консервланган балиқларнинг таъми ҳали-ҳалигача эсимизда. Кейинги йиллари Мўйноқ туманида балиқдан тайёрланадиган таомлар фестивали ўтказиш туман аҳлининг нафақат балиқчи, балки жуда моҳир пазадан эканлигини ҳам намоён этмоқда. Айниқса, фақат мўйноқликларгина тайёрлай оладиган унутла-ёзган таом турларининг тайёрланиши урф-одатларнинг яхши сақланганлигидан дарак беради.

Бу йилги фестивалга чет эллик сайёҳларнинг кўплаб ташриф буюриши, фестиваль нуфузининг ошиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда Мўйноқ туманида балиқ етиштирадиган сув ҳавзаларининг умумий майдони 66132 гектарни ташкил этади. 2018 йилнинг октябрь ойига қадар 3500 тоннадан ортиқ балиқ етиштирилган. Сув ҳавзаларидан сазан, карас, оқ дўнгпешона, леш, судак каби балиқлар овланмоқда.

Президентимизнинг Мўйноқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича билдирган фикрлари бу ҳудудда яшаётган катта-ю кичикни қувонтириб, кайфиятини оширди.

Гулистан АННАКИЛИЧЕВА, Қорақалпоғистон халқ шоири, сенатор:

— Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифи ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, қорақалпоқ халқининг ҳаётини янада яхшилашга қаратилган қатор лойиҳалар, янги-янги режалар билан боғлиқ бўлмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон халқига бўлган чексиз эътибори ва меҳри бу ҳудудни янада обод, фаровон қилиш учун олиб борилаётган кенг кўламли ишларда ўз аксини топмоқда.

Кейинги икки йил ичида Ўзбекистон нафақат янгиланди, яшарди, балки бутун дунёни ўзига қаратди. Бугун бутун дунё Ўзбекистонга интилмоқда. Қувонарлиси шуки, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари биринчилардан бўлиб Қорақалпоғистондан бошланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ўтган галги ташрифидан сўнг қатор лойиҳалар амалга оширилгани эътироф этмоқ керак.

Халқимиз бугун Президентимизнинг бевосита ғамхўрлиги ва эътибори натижасида Қорақалпоғистоннинг қиёфаси мутлақо янгиланганлиги, ўзгарганлиги қувонч билан гапирмоқда. Обод қишлоқлар, обод маҳаллалар, кўрам ва муҳташам бинолар, сайлоҳлар, хиёбонлар пайдо бўлди. Ер ости, ер усти бойликлари ҳорижий инвестициялар кўмагида ўзлаштирилмоқда. Тадбиркорларнинг барча соҳаларда қилаётган меҳнатлари халқ фаровонлигини оширмоқда, дастурхонини тўқин қилмоқда.

Алоҳида қувонч билан таъкидлаш лозимки, Президентимиз Нукус шаҳрини кўздан кечириётганда никоҳ тўйида ҳам иштирок этди. Тўйга йиғилганлар давлатимиз раҳбарини кўриб, қувониб кетишди. Келин Хурлиман Арзиева, кўёв Султон Тороновлар ҳаяжонининг чеки йўқ. Уларга Шавкат Мирзиёев томонидан янги уй совға қилинди.

Мен ижодкор сифатида Президентимизнинг республика фаоллар билан учрашувдаги сўзини тинглар эканман, Қорақалпоғистон халқини нақадар катта бир бахт, тинч-осойишта, тўқин-сочин фаровон ҳаёт кутаётганини чуқур ҳис этдим.

Биз ёзувчи ва шоирлар бундай янгилаётган ҳаётни Президентимизнинг халқ учун қилаётган яхшиликларини албатта қаламга оламиз. Бу ишларни Мўйноқ туманида бошлашимиз керак, деб ўйлайман. Айниқса, юртимизнинг энг шимолида жойлашган «Қорақалпоғистон» шаҳарчасининг мутлақо янги қиёфага кирганлиги бу ерда яшовчи ҳар бир инсонни қувонтирмоқда.

Эндиликда Мўйноқ туманида саноат соҳасида 12, қишлоқ хўжалигида 5, аҳолига хизмат кўрсатиш йўналишида 12 катта лойиҳа амалга оширилади. Бу рақамлар тумanning янги фаровон ҳаёти бошланаётганидан дарак беради.

Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш, денгизнинг шўрланган ерларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, экотизимини яхшилаш, ўрмонлар барпо қилиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам Қорақалпоғистонда катта лойиҳалар асосида амалий ишлар олиб борилади.

Президентимиз Орол фожиасидан энг кўп зарар кўрган Мўйноқ аҳолиси, деб таъкидлади. Мўйноқликларга сабр-қаноати, ватанпарварлиги, меҳнаткашлиги учун раҳмат айтди. Сизларга шунга муносиб хизмат қилишимиз керак, деди. Бу шунчаки сўзлар эмас. Мўйноқда келгуси йили 20 та кўп қаватли уй қурилиб, янги шаҳарча барпо этилиши ҳақидаги қабар барчани тўлқинлантириб юборди.

Ойгул ЭЛМУРОДОВА, Мўйноқ тумани 2-сонли болалар мусика ва санъат мактаби ўқитувчиси:

— Мен тақдир тақозоси билан 1987 йили қўшни Қозоғистон давлатидан Мўйноқ туманига келин бўлиб тушганман. Ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён иқтидорли болаларга мусика сирларини ўргатиб келаман. Мўйноқ иқтидорли ёшларга бой. Мен уларнинг мусика ва санъатни ўрганишига бўлган иштиёқини кўриб завқланаман.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги Мўйноқнинг қиёфасини аввалгиси билан солиштириб бўлмайди. Орол денгизининг қуриб бориши натижасида юзага келган экологик шароит ҳаммадан кўра мўйноқликларга кўп ташвиш келтирди.

Мўйноқ туманини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича Президент қарорини аҳолимиз қувонч ёшлари билан қутиб олган эди. Мана, ушбу қарорнинг натижаси, бугун Мўйноққа бир йил олдин келган одам туманимиздаги ўзгаришларини кўриб ҳайратланмасдан иложи йўқ. Шаҳсан давлатимиз раҳбарининг «Келгуси икки йил ичида Мўйноқда катта ўзгаришлар юз беради», деб таъкидлаши мўйноқликларнинг юрагига келажакка катта умид, билагига энгилмас куч ато этди.

Тўғриси, Президентимизнинг Мўйноққа келишининг ўзи бизга катта қувонч бағишлади. Ишончимиз қомил, туманимизга янада фойиз қиладиган, қут-барак келади.

Клара ЖАРИЛҚАОВА, «Учсой» қишлоқ врачлик пункти шифокори:

— Туманимиз Нукус шаҳридан 200 километр узоқликда жойлашган. Аммо бугунги Мўйноқ кечаги Мўйноқ эмас. Бундан бир неча йиллар олдин мураккаб операцияларни ўтказиш учун керакли асбоб-ускуналаримиз етишмаганлиги боис, беморларни Нукус ва

Тошкент шаҳарларига юборишга мажбур эдик. Президентимизнинг «Нима учун олис туманлардан, масалан, мўйноқликлар Тошкентга келиб даволаниши керак, улар ҳам ўзлари яшайдиган жойларда даволанишга ҳақли», деган гаплари бизни жуда тўлқинлантирди. Бугун биз орзу қилган кунлар келди. Энди беморларимизни ўз вақтида мунтазам кўриқдан ўтказиб туриш ва даволаш учун замонавий тиббий асбоб-ускуналар, бепул дори-дармонлар билан тўлиқ таъминланганмиз. Янги «Тез ёрдам» машиналари ҳам халқ хизматида. Бизнинг «Учсой» қишлоқ врачлик пункти реконструкциядан чиқиб, янги қиёфага эга бўлди. Шунингдек, ҚВП ёнида шифокорлар яшайдиган янги иморат ҳам қуриб берилди.

Келажақда малакали шифокорлар билан сафимизни тўлдирish масаласини ҳал этишимиз лозим. Бугун Мўйноқда амалга оширилаётган ишларнинг ўзи давлатимизда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устулигини билдиради.

Бийбигул ЕРЖАНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидagi УЎХДП фракцияси аъзоси:

— Мен Мўйноқ тумани «Учсой» овул фуқаролар йиғинида таваллуд топганман. Болалигим Орол денгизи атрофида ўтган. Ҳурматли Президентимизнинг видеоселектор мажлисида иштирок этиб, Мўйноқ туманини республика миқёсида намунали туман қиламиз, деб айтган сўзларидан, тўғриси, кўзларимга ёш келди. Гўё тўқинлари мавж ўриб турган денгиз қайтиб келганидай туюлди менга. Ҳақиқатан ҳам, болалигимиз хотираларида абадий қolib кетган Орол денгизи бизнинг фахримиз эди.

Албатта, туманимизни намунали қилиш учун 4 сектордан ташқари барча жамоат ташкилотлари, қолаверса, ҳар бир туман аҳли биргаликда, бирдамликда ишлашга тўғри келади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, денгизнинг 500 минг гектар майдонига, иқлимга мос дарахтларни экасак, келажақда катта ўрмонзорлар барпо этилади.

Мен Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати сифатида 4 йиллик фаолиятим давомида сайловчилар томонидан тушган мурожаатлар асосида «Тик узак», «Бузутов» овулларига сув етказиш муаммосини ечиш мақсадида электронасослар ўрнатиш, Мўйноқни йўловчи ташувчи автобуслар билан таъминлаш, бекатлар ўрнатиш сингари масалаларни ҳал этишда иштирок этдим. «Қозоқдарё» овулида ўқувчилар мактабга бориши учун иккита кичик кўприк қурилди.

Бизни давлатимиз раҳбари қўллаб-қувватлаб турган экан, барчамиз уйғонишимиз, елкадош бўлмоғимиз зарур. «Менга тақлиф билан чиққан одамни дўстим дейман», деган эди Президентимиз. Тақлиф берадиган, янги гоялар билан чиқадиған депутатларимиз, ёшларимиз кўп. Барчамиз бир бўлиб, муҳим масалалар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган амалий ишларга аҳамият қаратмоғимиз шарт. Энг асосийси, Мўйноқда катта тарихий воқеалар содир бўлмоқда. Биз бу жараёнда фаол иштирок этишимиз керак бўлади.

...Бундан нечайиллар олдин Оролда сузиб юрган кемалар денгиз қуриши оқибатида аста-секин қум барханларига кўксини туттиб, туриб қолди. Чанг-тўзон ва шўрланган замин мўйноқликлар сабр-тоқатини, матонатини синондан ўтказди. Иродаси кучли халқ ёруғ кунларга ишониб, умид билан яшади ва ниҳоят улар орзу қилган кунлар ҳам етиб келди. Бугун мўйноқликлар қалбидан чиққан, дилидан тилига кўчган миннатдорлик сўзлари ана шундан далолат беради. Қайта туғилган Мўйноқнинг янги қиёфасини кўришни истасангиз, албатта Орол бўйларига келинг.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Кейинги йилларда ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш бўйича бажарилган аниқ, манзилли чора-тадбирлар натижасида одамлар турмуши сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 февралдаги «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини 2017-2018 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тўқимачилик, фармацевтика ва электротехника маҳсулотлари, томчилаб сугориш ускуналари, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш ташкил этилди, балиқчилик ва туризмни ривожлантириш бўйича имкониятлар ишга солинди.

2019 йилда Мўйноқ туманида яна кўплаб саноат соҳасида 12 та, қишлоқ хўжалигида 5 та, хизмат кўрсатиш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Ижтимоий соҳа объектлари қуриш ва таъмирлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, чорвачилик, айниқса, эчкичиликни ривожлантириш ҳам мумкин. Эчки ташқи муҳитга яхши мослашади, озуқа танламайди. Унинг жунидан тайёр маҳсулотлар тайёрлаб сотиш йўлга қўйилса, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилади.

Президентимиз келгуси икки йилда Мўйноқда 20 та кўп қаватли уй қуриш, янги шаҳарча барпо этиш бўйича топшириқ берди. Бу ерда замонавий шаҳарсозликдаги барча янгилликларни жорий этиш, намунавий инфратузилма яратиш зарурлигини таъкидлади.